


# GEODEZIYA, KARTOGRAFIYA VA GEOINFORMATIKA

# GKG

ILMIY - TEXNIK JURNALI

ISSN-I-2181-4546



BANDS 321

BANDS 432

BANDS 742



GEODEZIYA  
KARTOGRAFIYA  
GEOINFORMATIKA  
Rahallha

No3  
2024

## Mundarija/Содержание/Contents

<i>Sh.A.Suyunov, I.M.Pirnazarov, Sh.Sh.Tuxtamishev</i> - Raqamli xaritalarni davlat kadastrlari yagona tizimida qoʻllash metodikasi.....	6
<i>A.A. Abduraximov, R.Q.Oymatov, Sh.N.Zokirov</i> - QGIS dasturida bosqichma-bosqich bajariladigan vazifalarni PyQGIS dasturlash tili yordamida umumlashtirish orqali ish samaradorligini oshirish.....	9
<i>B.Y.Maxsudov, N.N.Teshayev</i> - Crop identification in remote sensing imagery: a systematic review of machine learning and deep learning approaches.....	15
<i>A.N.Inatov, D.G'.Norboyeva</i> - Meridianlar ogʻishini inobatga olgan holda topografik kartalarni rasmiylashtirish.....	20
<i>Ю.А.Усманов, Ў.Б.Мухторов</i> - Дегредацияга учраган суғориладиган ерларни тиклаш ва фойдаланишга киритишнинг аҳамияти.....	29
<i>Ю.А.Усманов, Ў.Б.Мухторов</i> - Деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланиш тизимининг ер ислохотидаги ўрни ва вазифалари.....	33
<i>Z.I.Raximova</i> - Madaniy meros va turizm obʻyektlari maʼlumotlar bazasini yaratish.....	38
<i>A.S.Pʻuziev, O.F.Yusupjonov</i> - Шаҳар каркас тармоғини сунъий йўлдош кузатишларидан фойдаланиб ривожлантириш (тошкент шаҳри мисолида).....	42
<i>A.K.Қўлдошева</i> - Правовое обеспечение ведения и организации государственного кадастра.....	49
<i>Z.Mamatkulov, M.Nuraliyev, F.Tohirova</i> - Masofadan zondlash maʼlumotlari asosida tuproq shoʻrlanishini aniqlash.....	53
<i>Б.М.Успанкулов, М.О.Абдурахимова</i> - Бинолар ва иншоотлар давлат кадастрининг объекти ва таркибий қисмлари.....	59
<i>Б.М.Успанкулов</i> - Бинолар ва иншоотлар кадастрига оид ахборотларни ишлаб чиқишда таққослаш услубини такомиллаштириш.....	63
<i>Қ.Рахмонов</i> - Маҳалла фуқаролар йиғини ва фермер хўжаликлари ер балансини ишлаб чиқишда креатив ёндошувлар.....	69
<i>Қ.Рахмонов</i> - Маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ер кадастри ҳужжатлари ва маълумотларини шакллантиришни такомиллаштириш.....	74
<i>Z.Mamatkulov, D.Zarifboyev, M.Nuraliyev, U.Hudoyberganov</i> - Gʻoʻza ekinining holati va rivojlanishini masofadan zondlash maʼlumotlari yordamida tahlil qilish.....	78
<i>O'.Muxtorov, D.Shogʻdarov</i> - Respublikada lalmi yer maydonlarining mavjud holati va undan foydalanish holati.....	82
<i>D.A.Egamova</i> - Xususiyashtirilgan yer uchastkalari yuzasidan kadastr hujjatlarini yuritishning xususiyatlari.....	86
<i>М.Қ.Султанов</i> - Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини геоинформацион алгоритмлар асосида прогноз қилишнинг интеграцияион ёндашувлари.....	92
<i>F.S.Safarov</i> - Respublikamizdagi mavjud ichimlik suvi hisobini yuritishning bugungi kundagi holati va istiqbollari.....	99
<i>Sh.A.Suyunov</i> - Aholiga ichimlik suvni yetkazishni yuritishda geodezik-kartografik asosni ishlab chiqish.....	104
<i>М.Абдурахимова, Б.Успанкулов</i> - Ер кадастри ахбороти соҳасидаги ҳуқуқий базани такомиллаштириш.....	110
<i>A.Inatov, Q.Joʻrayev</i> - Zomin milliy bogʻidagi oʻrmon yongʻinlarini masofadan zondlash yordamida baholash: NBR va NDVI qiyosiy tahlili.....	117
<i>Z.Abdurahmonov, I.Musayev, I.Aslanov</i> - Qishloq xoʻjaligi yerlarining mavsumiy monitoringini oʻtkazishda masofadan zondlash va gis texnologiyalaridan foydalanish (Termiz tumani, misolida).....	120
<i>Z.Abdurahmonov, I.Musayev, I.Aslanov</i> - qishloq xoʻjaligi ekin turlari va maydonlarini yerni masofadan zondlash usuli asosida monitoring qilish.....	125
<i>R.K.Oymatov, M.B.Baxriyev, A.Xaqberdiyev</i> - QGIS orqali RUSLE tenglamasining nishab uzunligi (L) va nishab tikligi omili (S) ni baholash.....	132
<i>R.Oymatov, M.Baxriyev, Sh.Asadov, T.Teshayev</i> - Ochiq manba maʼlumotlaridan olingan raqamli balandlik modellarining vertikal aniqligini baholash.....	137

Reintegration of Societies, ACRS 2014 -  
Nay Pyi Taw, Myanmar.

7. Қ.Рахмонов, Б.М.Успанкулов. Ер участкаси ва бино-иншоотларни рўйхатга олишни такомиллаштириш.//Т.:ТИҚХММИ нашриёти, 2019 й.-94 бет.

8. Д.О.Журақулов, Ғ.Н.Алиқулов, В.Р.Ниязов. Ер участкаси ва бино-иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш.// Ўқув қўлланма. Қарши – 2016, 188 бет.

УЎК: 332.33:347.268

## МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ЕР БАЛАНСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА КРЕАТИВ ЁНДОШУВЛАР

*Қ.Рахмонов – техника фанлари доктори (DSc), доцент “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот Университети*

**Аннотация.** Мақолада ер тоифаларидаги таркибий ўзгаришлар, уларнинг таркибидаги маълум ердан фойдаланувчи субъектлар ва уларга бириктирилган ер участкаларини шакллантириш шартлари, омиллари ҳамда мезонларига ўз таъсирини ўтказиш масалалари кенг ёритилган. Тадқиқотлар натижасида қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган фермер хўжалиги ёки маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудуда ер ҳисобини юритишга оид формулалар ишлаб чиқилган. Шунингдек, республика ер фонди тақсимоотида ердан фойдаланувчи субъектларнинг идоравий бўйсунуши иерархияси қонуниятларидан келиб чиқиб, ер участкаларини шакллантиришга таъсир этувчи омиллари ҳам инобатга олиш зарурлиги услубий жиҳатдан асосланган.

**Калим сўзлар:** ер контури, ер участкаси, ер ҳисоби, ердан фойдаланувчи субъект, бевосита ва билвосита фойдаланишидаги ер майдонлари, ер баланси, ўзга ердан фойдаланувчилар, асосий ва жорий ер ҳисоби, ер тақсимооти ва қайта тақсимооти.

**Аннотация.** В статье широко освещены структурные изменения категорий земель, их влияние на условия, факторы и критерии формирования отдельных субъектов землепользования и прикрепленных к ним земельных участков. В результате исследования были разработаны формулы ведения поземельного учета на территории фермерского хозяйства и махаллинского свода граждан. Также при распределении земельного фонда республики методологически обоснована необходимость учета факторов, влияющих на формирование земельных участков, исходя из законов иерархии ведомственного подчинения землепользователей.

**Ключевые слова:** контур земель, земельный участок, земельный учет, субъект землепользования, земельные площади в прямом и косвенном пользовании, земельный баланс, другие землепользователи, основной и текущий земельный учет, распределение и перераспределение земель.

**Кириш.**

Маълумки, ер участкасида ердан фойдаланиш ихтисослиги, идоравий мансублиги, ердан фойдаланувчи

субъект фаолиятларидаги ўзгаришлар оқибатида ундан фойдаланиш мақсади ҳам ўзгача белгиланиши кузатилади. Хулоса ўрнида шуни қайд этиш ўринлики, ер тоифаларидаги ҳар бир майдон ўзгариши бошқа тоифалар умумий майдонига ва чегарасидаги ўзгаришларга сабаб бўлади. Албатта бу жараён ер участкаларининг сони, майдони, чегараси ва ҳуқуқий мақомларига ўз таъсирини ўтказди.

Ҳар бир ер тоифаси таркибида фаолият юритаётган ердан фойдаланувчи субъектлар майдонлари ҳамда захира ер фонди таркибидаги ер участкалари майдонларини ҳам инобатга олган ҳолда шакллантирилиши назарда тутилса, ушбу ер тоифасининг жами майдонини аниқлаш мумкинлигини эътироф этиш мумкин. Демак, ер тоифалари ер фондини республика бўйича шакллантиришда уларга бириктирилган ер участкаларининг сони, майдони, чегараси, фойдаланиш мақсади каби омиллар муҳим ўрин тутишини эътироф этамиз.

Мамлакат миқёсида амалда шакллантирилган ер участкаларининг қайси ердан фойдаланувчи субъектга бириктирилганлиги ва унинг давлат бошқарув идораларига мансублиги нуқтаи назардан ер тақсимооти, қайта тақсимооти, назорати, тасарруф этилиши, ҳуқуқий мақоми ва режимини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Шу нуқтаи назардан фикр юритилса, ердан фойдаланишни бошқариш, назорат қилиш, тармоқ ичидаги майдонларнинг қайта тақсимооти масалалари оптимал ечимини аниқлашда ер тоифаси таркибидаги ер турларининг майдонлар бўйича салмоғини белгилаш ердан фойдаланувчиларнинг идоравий мансублиги ва мақсад йўналишларини белгилашда учинчи вертикал тизим

бўйича ер кадастри ҳужжатлари муҳим ўрин тутиши эътироф этилади.

Идоравий бошқарув таркибида ҳуқуқ-тартибот органларининг функцияси ҳам алоҳида ўрин тутади. Албатта бунда ердан фойдаланувчи субъектларнинг фаолияти уларга бириктирилган ер участкалари майдонларидан мақсадли, самарали, тўлиқ ва оқилона фойдаланиш масалаларига қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда акс эттирилган талаблар доирасида олиб бориладиган назорат фаолиятлари назарда тутилади.

Юқорида қайд этилган вертикал учта тизим негизида алоҳида олинган ер участкасидан олинган ер кадастрининг таркибий қисмларига мос бўлган ахборотлар тўплами, уларнинг аниқлиги, ҳаққонийлиги, шаффофлиги ва кўргазмалик даражаси муҳим ўрин тутади.

Ҳар битта ер участкаси бевосита ва билвосита фойдаланиладиган ер майдонларига бўлинади. Айрим ер участкалари ҳудудида ўзга ердан фойдаланувчилар ҳам фаолият юритиши кузатилади. Тадқиқотлар давомида Республикамизда фаолият юритаётган фермер хўжаликлари ер участкалари таркибида 2 млн. 500 мингдан зиёд ер контурлари мавжудлиги аниқланган.

Ер кадастри ҳужжатларида муайян ер участкаси қамровидаги ер контурлари майдони тўғрисида ер ҳисоби маълумотларини шакллантиришни тақозо этади. Бунда, амалдаг шакллантирилган ер контурларининг турлари, ҳудудий жойлашуви ва улардан фойдаланиш мақсадидан келиб чиққан ҳолда бир қатор хусусиятларини ҳам инобатга олиш зарур бўлади. Масалан, муайян фермер хўжалиги ҳудудида фаолият юритувчи ноқишлоқ хўжалиги субъектининг ер контурлари жойлашган бўлса, унинг ер майдони алоҳида контур

рақамига эга бўлган ҳолда ўзга ердан фойдаланувчи сифатида қақд этилиши зарур. Ушбу ҳолатда, фермер хўжалигининг умумий ер майдони таркибида алоҳида ер контури сифатида бошқа ердан фойдаланувчининг ер майдони қайд этиш асосида ушбу майдоннинг ҳуқуқий таъминоти ҳам юзага келади.

Қуйидаги 1-расмда ер участкасидаги бевосита ва билвосита фойдаланишдаги ер турлари ҳамда ўзга ердан фойдаланувчилар тизими кўрсатилган.



1-расм. Ер участкаси ҳудудидаги кадастр ахборотларини шакллантириш омиллари

Юқоридаги расмда акс

этирилган тизимга асосан, ер участкасининг умумий майдони қуйидаги формула ёрдамида аниқланишини кўриш мумкин (1-формула):

$$M_{ey} = \sum_{ek=1}^n M_{ek} + \sum_{ye\phi c=1}^m M_{ye\phi c} \quad (1)$$

Бунда:

$M_{ey}$  – ер участкасининг

умумий ер майдони, га;

$$\sum_{ek=1}^n M_{ek}$$

– ер контурлари

умумий ер майдони, га;

$$\sum_{ye\phi c=1}^m M_{ye\phi c}$$

ер участкасидаги ўзга ердан фойдаланувчи қилинаётган ер участкасининг умумий майдони, га.

фойдаланувчи субъектларга тегишли ер майдонлари, га.

Ўз навбатида ер участкаси таркибидаги ер контурларини 3 та шартли гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ, бевосита фермер хўжалиги ҳудудида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадидаги банд қилинган ер контурлари, иккинчи гуруҳ, бевосита фойдаланиладиган ерларга хизмат кўрсатиш мақсадларидаги объект эгаллаган ер контурлари ҳисобланади. Учинчи гуруҳга эса айрим ҳолларда фермер хўжалиги ҳудудида жойлашган ўзга ердан фойдаланувчи субъектлар ер участкаларининг ер контурлари назарда тутилади. Демак, фермер хўжалиги тасарруфидаги фойдаланилаётган майдон

$(\sum_{ek=1}^n M_{ek})$  нинг ўлчами қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\sum_{ek=1}^n M_{ek} = \sum_{ek=1}^n M_{б.ф.ек} + \sum_{ek=1}^n M_{бил.ф.ек} \quad (2)$$

Бунда  $M_{ек}$  – фермер хўжалиги тасарруфидаги бевосита ва билвосита фойдаланиладиган ер турлари майдони, га  $\sum_{ек=1}^n M_{б.ф.ек}$

томонидан бевосита фойдаланиладиган ер контурлари майдони, га

$\sum_{ек=1}^n M_{бил.ф.ек}$  – фермер хўжалиги томонидан билвосита фойдаланиладиган ер контурлари майдони, га.

Бизга маълумки, амалда фаолият юритаётган ердан фойдаланувчи субъект (ЕФС) ларга бир ёки бир нечта ер участкалари бириктирилган бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда ЕФСнинг умумий майдони унинг тасарруфидаги ер участкалари майдонига тенг деб ҳисобланади. Яъни, қуйидаги тенглик асосидан ҳисобланади  $\sum_{ЕФС} M_{еу}$

$$e.y=1 \quad (3)$$

Бунда,  
 $M_{\text{ЕФС}}$  - муайян ЕФСнинг жами ер  
 майдонлари, га

$$\sum_{y=1}^{\infty} M_{e,y} - \text{ЕФС}$$

тасарруфидаги  
 ер участкалари майдонлари йиғиндиси,  
 га.

Ҳар битта маҳалла фуқаролар  
 йиғинининг умумий ер майдони ўз  
 навбатида унинг ҳудудида жойлашган  
 ер участкалари майдонларидан таркиб  
 топган ҳолда аниқланади.

Қуйидаги формула ёрдамида  
 аниқланадиган ер майдони 4тагуруҳдан  
 иборат ер участкаларини қамраб олиши  
 мумкин:

$$M_{\text{мфй}} = M_{\text{ефс}} + M_{\text{тзе}} + M_{\text{ўефс}} + M_{\text{дзе}} \quad (4)$$

Бунда:

$M_{\text{мфй}}$  - маҳалла фуқаролар  
 йиғини майдони, га

$M_{\text{ефс}}$  - ердан фойдаланувчи  
 субъект майдони, га;

$M_{\text{тзе}}$  - туман заҳира ер  
 фонди, га;

$M_{\text{дзе}}$  - давлат заҳира ерлари, га.

Тадқиқотлар жараёнида маълум  
 бўлдики, муайян маъмурий туман  
 ҳудуди маҳалла фуқаролар  
 йиғини(МФЙ)ларига тақсимланган  
 ҳолда фойдаланиб келинади. Шу нуқтаи  
 назардан олганда, туман ер фонди

миқдори унинг тасарруфидаги МФЙлар  
 майдонига тенгдир. Демак, туман ер  
 фонди умумий майдонини қуйидаги  
 формула ёрдамида ҳисоблаш тавсия  
 этилади:

$$M_{\text{т.е.ф}} = \sum_{\text{МФЙ}=1}^{\infty} M_{\text{МФЙ}} \quad (5)$$

Бунда,

$M_{\text{т.е.ф}}$  - туман ер фонди майдони,  
 га

$\sum_{\text{МФЙ}=1}^{\infty} M_{\text{МФЙ}}$  - туман  
 тасарруфидаги МФЙлар майдонлари  
 йиғиндиси, га.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики,  
 муайян туман ҳудудида албатта бир ёки  
 бир нечта ўзга ЕФСлар фаолият  
 юритиши кузатилади. Масалан, улар  
 ўзга туман, шаҳар ёхуд республика  
 бойсунувидаги идора ёки ташкилотлар  
 бойсунувидаги ЕФСлар бўлиши  
 мумкин. Бунда юқоридаги формула  
 қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\sum_{\text{ў.е.ф}=1}^{\infty} M_{\text{т.е.ф}} = \sum_{\text{МФЙ}=1}^{\infty} M_{\text{МФЙ}} + (6)$$

Бунда,  $M_{\text{МФЙ}}$  - туманга нисбатан  
 ўзга ердан фойдаланувчилар  
 майдонлари йиғиндиси, га

$\sum_{\text{ў.е.ф}=1}^{\infty} M_{\text{ў.е.ф}}$  - туман бошқарув  
 ҳокимияти тасарруфига оид бўлмаган  
 ЕФСлар майдонлари йиғиндиси, га.

Айрим ҳолларда ЕФС ва МФЙ  
 туман ер фонди таркибига ўзга  
 ҳудудларда жойлашган ер участкалари  
 майдонларини қўшиш мумкин бўлади.  
 Бунга мисол, Фарғона вилояти ер фонди  
 таркибига Сўх тумани ер фонди ёки бир  
 туманда давлат рўйхатидан ўтган  
 ЕФСнинг бошқа туман ёки вилоятда  
 фаолиёт юритаётган бўлими(филиали)  
 эгаллаган ер участкаси бўлиши мумкин.  
 Шундан келиб чиқиб, вилоят ер фонди  
 майдонини қуйидаги формула ёрдамида  
 аниқлаш мумкин:

$$M_{\text{вил.}} = \sum_{\text{е.ф}=1}^{\infty} M_{\text{т.е.ф}} + \sum_{\text{ш.е.ф}=1}^{\infty} M_{\text{ш.е.ф}} \quad (7)$$

Бунда,

$M_{\text{вил.}}$  - вилоят ер фонди майдони,  
 га

$\sum_{\text{е.ф}=1}^{\infty} M_{\text{т.е.ф}}$  - вилоят  
 тасарруфидаги туманлар ер фонди  
 майдонлари йиғиндиси, га  $\sum_{\text{ш.е.ф}=1}^{\infty} M_{\text{ш.е.ф}}$   
 - вилоят тасарруфидаги шаҳарлар ер  
 фонди майдонлари йиғиндиси, га.

Алоҳида олинган ҚҚР, вилоятлар  
 ва Тошкент шаҳрининг умумий ер

фонди ҳам юқоридаги тенгликлар  
сифатида аниқлаш мумкин.  
Ўз



навбатида республика ер фондининг умумий майдони ҚҚР, 12 та вилоят ва Тошкент шаҳар ер фондлари миқдорига тенг деб ҳисобланади. Ушбу тенглик қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$M_{p.e.f} = M_{ҚҚР} + \sum_{вил}^{12} M_{вил} + M_{Тош.ш.е.ф} \quad (8)$$

Бунда,  $M_{p.e.f}$  - республика ер фонди умумий майдони, га

$$\sum_{вил.е.ф}^{12} M_{вил} - M_{(тш.е.ф)}$$

Тошкент шаҳар ер фонди, га

Албатта, бунда республика ер фондини таркибига Фарғона вилояти тасарруфидаги Сўх ва Шохимардон ҳудудидаги ер майдонларини ҳам ер ҳисоботи ҳужжатларида ўз аксини топганини қайд этиш зарур.

#### **Хулоса.**

Республика ер балансини шакллантиришда қуйидаги ахборотлар тизими алгоритмини татбиқ этиш тавсия этилади: ер контури (айрим ҳолатларда кичик ер контурлари мавжудлиги кузатилади) кесимида; ер участкасига оид ахборотлар (бирламчи ҳужжатлаштирилган ер кадастри ахборотлар портфели); ердан фойдаланувчи субъектлар кесимида; маҳалла фуқаролар йиғини даражасидаги ер баланси маълумотлари; туман (шаҳар) ҳудуди бўйича шакллантирилган ер баланси маълумотлари; ҚҚР, вилоятлар ва

Тошкент шаҳри ер баланси ҳужжатларида акс этирилган ер кадастри ахборотлар жамланмаси; республика ер баланси ва унинг асосида ишлаб чиқиладиган ер ҳисоботи.

Албатта, юқорида қайд этилган ер кадастри ахборотлар занжирини мукамал шакллантириш ишлари замонавий махсус электрон дастурлар ёрдамида бажарилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон тарраккиёт стратегияси. Тулдирилган иккинчи нашри. - Тошкент: "O'zbekiston" нашрети, 2022. 440 бет. ISBN 978-9943-6-7
2. Ўзбекистон Республикасининг конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2023.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси». Т.: Ўзбекистон, 1998. (2023 йилгача ўзгаришлари билан).
4. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. «Давлат ер кадастри тўғрисида» ги қонун, Т.: Ўзбекистон, 1998 (2023 йилгача бўлган ўзгаришлари билан).
5. А.С.Чертовичкий, А.К.Базаров. Земельный кадастр. ТИИМ, Т., 2012.- 302с.
6. А.Р.Бобожонов, Қ.Р.Раҳмонов., А.Ж.Ғофиров. «Ер кадастри». Дарслик, Т.: Чўлпон, 2013. 208 бет.
7. lex.uz
8. www.Kadastr.uz

**УЎК: 528.441:631.2**

# МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ ҲУДУДИДА ЕР КАДАСТРИ ХУЖЖАТЛАРИ ВА МАЪЛУМОТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Қ.Рахмонов** – техника фанлари доктори (DSc), доцент “ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот Университети.

**Аннотация.** Мақолада маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ер кадастри ҳужжатларини юритиш ҳолати таҳлил қилинган, камчиликлар қайд этилган ҳолда таҳлилий маълумотлар келтирилган. Аниқланган муаммоли ҳолатларни бартараф этиш бўйича таклиф, тавсия ва ечимлар ишлаб чиқилган. Маҳалла фуқаролар йиғини мисолида ер ҳисобини юритиш, ер участкасига чегара белгиларини ўрнатиш, сервитутни жорий қилиш масалалари бўйича услубий ечимлар берилган.

**Калим сўзлар:** маҳалла фуқаролар йиғини, ер сервитути, чегара белгиси, ер кадстри ҳужжати, ер контури, ер участкаси, ер ҳисоби, ердан фойдаланувчи субъект, бевосита ва билвосита фойдаланишдаги ер майдонлари, ер баланси, ўзга ердан фойдаланувчилар, асосий ва жорий ер ҳисоби, ер тақсимоти ва қайта тақсимоти.

**Аннотация.** В статье проанализировано состояние ведения земельно-кадастровой документации на территории махаллинский свод граждан, приведены аналитические данные и недостатки землепользования. Разработаны предложения, рекомендации и решения по устранению выявленных проблемных ситуаций. На примере махаллинский свод граждан, даны методические решения по вопросам ведения поземельного учета, установления межевых знаков на земельном участке и внедрения сервитута.

**Ключевые слова:** махаллинский свод граждан, земельный сервитут,

межевой знак, земельно-кадастровый документ, земельный контур, земельный участок, земельный учет, субъект землепользования, земельный баланс, посторонние землепользователи, основной и текущий земельный учет, распределение и перераспределение земли.

**Abstract.** The article analyzes the state of land and cadastral documentation in the territory of the mahalla citizens' council, provides analytical data and shortcomings of land use. Proposals, recommendations and solutions for eliminating the identified problem situations are developed. Using the example of the mahalla citizens' council, methodological solutions are given on issues of land registration, establishment of boundary markers on a land plot and implementation of an easement.

**Keywords:** mahalla citizens' council, land easement, boundary marker, land and cadastral document, land contour, land plot, land registration, land use entity, land balance, third-party land users, primary and current land registration, distribution and redistribution of land.

## Кириш

Маҳалла фуқаролар йиғинлари (МФЙ) учун тегишли вазирлик томонидан паспорт жорий қилинган. Аммо, МФЙ паспорти таркибида ер ахборотлари чекланган ёки умумий ҳолда қайд этилган. Қайд этилган ер ахборотларида эса амалда юритилаётган кадастр ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотларни олиш имконияти чекланган. Ҳудудда фаолият юритаётган ердан фойдаланувчи субъектлар, уларга